

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 39-ҳадис

39 – وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «طَعَامُ الْاِثْنَيْنِ كَافِي الثَّلَاثَةِ، وَطَعَامُ الثَّلَاثَةِ كَافِي الْأَرْبَعَةِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «طَعَامُ الْوَاحِدِ يَكْفِي الْاِثْنَيْنِ، وَطَعَامُ الْاِثْنَيْنِ يَكْفِي الْأَرْبَعَةَ وَطَعَامُ الْأَرْبَعَةِ يَكْفِي الثَّمَانِيَةَ».

Яна у кишидан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Икки кишига тайёрланган таом уч кишига кифоя қилади. Уч кишига тайёрланган таом тўрт кишига кифоя қилади»**, дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслимнинг Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятида: **«Бир кишининг таоми икки кишига, икки кишининг таоми тўрт кишига, тўрт кишининг таоми саккиз кишига кифоя қилади»**, дедилар.

**Шарҳ:** Олийжаноб, ўзини қўйиб бошқаларга илинадиган, одамларга насиҳат қилиб, уларга нарса улашадиган кимсалардан Аллоҳ таоло рози бўлади. Саҳобалар ва умматларига ўзини бағишлаш, саховатли бўлиш хусусида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намунадирлар.

Ҳар-бир мусулмон эркак ва мусулмон аёлга Расулуллоҳнинг суннатларига эргашиш, одамларга тасалли бериш ва уларга ҳар қандай яхшиликда кўмакчи бўлиб туриши лозимдир. Имкони борича инфоқ-эҳсон қилиш, арзимас бўлсада борини бошқалар билан баҳам кўриш айна мўминларнинг сифатларидандир.

**Ҳадисдан ўрганганларимиз**

1. Мусулмон одам оз бўлсада овқатланаётганида бошқа киши шерик бўлса уни койимайди.
2. Агар ният холис бўлса, овқатга барака тушади ва ундаги озуқавий қадри зиёдалашади ва кўпчиликнинг қорни тўяди ҳам.
3. Мусулмон одам муҳтожларга тасалли беради, егулик овқатидан тақдим қилади ва бошқаларга ўз улушидан, боридан илинади.
4. Сиз ҳам овқатланаётган пайтда ўртоқларингизни таомга таклиф қилинг.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI